

Date: 17<sup>th</sup> November-2024

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТЕРГОВ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

**Эргашов Лазизбек Обедкул ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
3-ўқув курси 309-гуруҳ курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда тергов хизматлари билан ҳамкорлиги бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси ва уни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар ўрганиб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** Ҳамкорлик, профилактика, тергов хизматлари, хорижий давлатлар, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика инспектори.

Россия Федерациясининг «Полиция тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль қонунида белгиланганидек, полиция ижроия ҳокимияти федерал органининг ички ишлар соҳасидаги ягона марказлашган тизими таркибий қисми ҳисобланиб, фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: шахс, жамият ва давлатни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш; жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фош этиш; жиноятларни аниқлаш ва очиш, жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш; қидирувни ташкил этиш; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш ва маъмурий жазоларни ижро этиш; жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; қурол савдоси соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; хусусий детективлик ва кўриқлаш фаолияти соҳасидаги Россия Федерацияси қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; мулк ва объектларни кўриқлаш; жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноятга оид суд иши юритувидаги бошқа иштирокчилар, судьялар, прокурорлар, терговчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бошқа мансабдор шахслари ҳамда кўриқланиши талаб этиладиган бошқа шахсларни давлат ҳимояси билан таъминлаш; эксперт-криминалистик фаолиятни амалга ошириш<sup>13</sup>.

Франция Миллий полициясига полициянинг барча функциялари, жумладан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш функцияси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида, унинг таркибида йигирмага яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият олиб боради.

Миллий полиция таркибидаги Жамоат хавфсизлиги бош бошқармасининг асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш

<sup>1</sup> Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2011 г. N 3-ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://sudact.ru/law>. (дата обращения: 14.06.2015).



Date: 17<sup>th</sup> November-2024

ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бош бошқарманинг фаолияти куйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган: аҳолига ёрдам кўрсатиш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан катта бўлмаган миқдордаги зарар етказилиши билан боғлиқ жиноятларни суриштириш ва тергов қилиш; жамоат тартибини сақлаш ва қайта тиклаш.

Франция жандармерияси тергов ва полициянинг кундалик бошқа вазифаларини амалга оширишга қаратилган идоровий жандармерия ва асосий вазифаси жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мобил жандармерияга бўлинган бўлса-да, мамлакатда Денгиз жандармерияси, Ҳаво транспорти жандармерияси ва Ҳаво жандармерияси ҳам мавжуд<sup>3</sup>.

Франция Миллий полициясига полициянинг барча функциялари, жумладан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш функцияси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида, унинг таркибида йигирмага яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият олиб боради.

Миллий полиция таркибидаги Жамоат хавфсизлиги бош бошқармасининг асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бош бошқарманинг фаолияти куйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган: аҳолига ёрдам кўрсатиш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан катта бўлмаган миқдордаги зарар етказилиши билан боғлиқ жиноятларни суриштириш ва тергов қилиш; жамоат тартибини сақлаш ва қайта тиклаш.

Франция жандармерияси тергов ва полициянинг кундалик бошқа вазифаларини амалга оширишга қаратилган идоровий жандармерия ва асосий вазифаси жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мобил жандармерияга бўлинган бўлса-да, мамлакатда Денгиз жандармерияси, Ҳаво транспорти жандармерияси ва Ҳаво жандармерияси ҳам мавжуд<sup>3</sup>.

Германия полициясининг аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи энг куйи тузилмалари ҳам, тартибни сақлаш пунктлари ҳисобланади. Улар турли жойларда турлича: «Бош полиция вахталари», «Полиция вахталари», «Полиция станциялари», «Полиция постлари», «Полиция инспекциялари» каби номланиши мумкин. Ушбу тузилмалар ҳам, милиция таянч пунктлари сингари, кечаю кундуз фаолият кўрсатади<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Зиёдуллаев М. З. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 50-51 б.

<sup>3</sup> Зиёдуллаев М. З. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 50-51 б.

<sup>4</sup> Уголовный кодекс Германия / Науч. ред. и пред. д.ю.н., проф. А.И. Коробоева, д.ю.н., проф.Ю.В. Голика. – М.: Юридический центр Пресс, 2005. – 16-17-с.



Date: 17<sup>th</sup> November-2024

Японияда полиция тергов хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолятини такомиллаштириш мақсадида ўзларига бириктирилган ҳудудларда ҳар бир оила, корхона, муассаса ва ташкилот билан иш олиб борган ҳолда доимий равишда алоқа қиладилар. Мамлакат қонунларида ҳар бир полиция ходимига ўртача 400 та оила тўғри келиши лозимлиги назарда тутилган. Хизмат давомида хизмат ходимлари аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиб, уларни керакли ахборотлар билан таъминлайдилар, шунингдек жамоатчиликнинг полицияфаолиятига доир фикрини ўрганиб борадилар<sup>3</sup>. Бундан ташқари, Японияда бутун мамлакат ҳудуди бўйича тарқалган ва таркибига фуқароларнинг ихтиёрий уюшмалари аъзоларини жамлаган «Полиция билан алоқа пунктлари» фаолият олиб боради. Ҳар бири 50 га яқин оилани қамраб олган бундай пунктлар сони Японияда тахминан 700 000 та<sup>3</sup>.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси 107-моддасининг саккизинчи қисмида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган гумон қилинувчи ёки айбланувчига ўрнатилган тақиқ (чекловлар) гумон қилинувчи ёки айбланувчи, унинг адвокати, қонуний вакили, шунингдек жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи ёки терговчининг илтимосномасига асосан суд томонидан ўзгартирилиши мумкинлиги, гумон қилинувчи ёки айбланувчи фавқулодда ҳолатлар юз берганда тез тиббий ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, авария-кутқарув хизмати ходимларини чақириш учун, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилинишини назорат қилувчи орган, суриштирувчи, терговчи билан ўзаро алоқа қилиши учун телефондан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши мумкинэмаслиги белгиланган<sup>3</sup>.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 146-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва бешинчи бандлари мазмунига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг телефон ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид чеклов, унинг назорат телефон қўнғироқлари ва бошқа назорат сигналларига жавоб бериши, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилиниши назорат қилувчи орган, суриштирувчи билан ўзаро алоқа қилиши борасида татбиқ этилмайди<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Уэда К. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 154. 56

<sup>6</sup> Бухаров, Д.З. Жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик иштироки: жаҳон таъриби // Миллий кадрлар вазирлигининг ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2007. – Б. 259

<sup>7</sup> Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2011 г. N 3-ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://sudact.ru/law>. (дата обращения: 14.06.2015).

<sup>8</sup> Уголовный кодекс Казакстан / Науч. ред. и пред. д.ю.н., проф. А.И. Коробоева, д.ю.н., проф. Ю.В. Голика. – М.: Юридический центр Пресс, 2005. – 16-17-с.



Date: 17<sup>th</sup> November-2024

Бундан ташқари, Беларуссия Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 125-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 5-бандлари мазмунига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг телефон ёки бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид чеклов, унинг назорат телефон қўнғироқлари ва бошқа назорат сигналларига жавоб бериши, шунингдек ушбу эҳтиёт чорасига риоя қилиниши назорат қилувчи орган, суриштирувчи билан ўзаро алоқа қилиши борасида татбиқ этилмайди<sup>4</sup>.

Тергов бўлинмаларининг жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органлари бошқа хизматлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш шакллари билан бири - биргаликда жиноятчиликка қарши курашда олдини олиш фаолиятини яхшилаш масалалари бўйича турли йиғилишлар, илмий-амалий конференциялар утказишда иборат.

Дастлаб терговда жиноятларни олдини олиш бўйича МДХ давлатлари хориж тажрибасини ўрганиб чиқиб, уларнинг жиноят процессуал кодексида берилган жиноятларни олдини олиш фаолияти бизнинг жиноят процессуал кодексимизда берилган жиноятларни олдини олиш бўлими деярли бир хиллигига амин бўлишимиз мумкин.

Масалан:

Беларусия, Қирғизистон, Туркменистон, Молдав, Қозоғистон, Россия давлатларини жиноят процессуал кодексида умумий мазмунда шундай ёзилган содир этилган ҳар бир жиноят юзасидан терговчи, прокурор, судьялар жиноятларнинг содир этилиш сабаблари. унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт ва шунингдек содир этилиш юзасидан тақдимнома киритишлиги келтириб ўтилган. Кўрсатиб ўтилган давлатларнинг ҳаммасида тақдимнома ижроси ўз вақтида бажарилмаса жавобгарлик берилган.

Ирландия, Уелс, Шотландия, Англия давлатларини жиноятларни олдини олиш фаолиятини ўрганиб чиқиб қуйидагиларга дуч келишимиз мумкин: уларда фақат суд тергови бўлиб дастлабки тергов органи йўқ. Детективлар ва судьялар ваколати доирасида иш юритадилар.



<sup>9</sup> Уголовный кодекс Беларуссия / Науч. ред. и пред. д.ю.н., проф. А.И. Коробоева, д.ю.н., проф. Ю.В. Голика. – М.: Юридический центр Пресс, 2005. – 16-17-с.